

**ЖИНОЙ ЙЎЛ БИЛАН ТОПИЛГАН МУЛКНИ ОЛИШ ЁКИ ЎТКАЗИШ
УЧУН ЖАВОБГАРЛИКНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ****Зиямбетов Дамир Абдирахманович***Судьялар олий мактаби**тингловчиси*

Аннотация: Мақолада жиноий йўл билан топилган мулкни олиш ёки ўтказиш учун жавобгарликни такомиллаштириш бўйича сўз юритилади.

Аннотация: В статье речь идет о совершенствовании ответственности за получение или передачу имущества, добытого преступным путем.

Annotation: The article deals with the improvement of responsibility for the receipt or transfer of property obtained by criminal means.

Калит сўзлар: мулк, жиноят, жавобгарлик, айбдор, жазолаш, ҳуқуқий жавобгарлик.

Ключевые слова: имущество, преступление, ответственность, виновный, наказание, юридическая ответственность.

Key words: property, crime, responsibility, guilty, punishment, legal responsibility.

Мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этишнинг умумий стратегиясини амалга ошириш доирасида қонун устуворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш, суд-ҳуқуқ тизимини тубдан ислоҳ қилиш юзасидан бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда.

Мамлакатимизда олиб борилаётган туб ислохотлар шароитида давлат қурилиши ва ҳуқуқий сиёсатнинг мазмун ва моҳиятини аниқлаштириш, унинг мақсад ва вазифаларини ислохотларнинг бугунги тараққиёти асосида шакллантириб бориш, инсон манфаатларини таъминлашнинг стратегик жиҳатдан янги воситалар билан бир қаторда тактик хусусиятга эга бўлган янги усулларни қўллаш, шахс ҳамда жамият манфаатларини янада самаралироқ ҳимоя қилиш, коррупциянинг олдини олишнинг ҳуқуқий механизмларини такомиллаштириш эҳтиёжи вужудга келиши билан белгиланади.

Жиноий йўл билан топилган мулкни олиш ёки ўтказиш учун жиноий жавобгарлик масаласига оид давлатимиз томонидан бир қанча норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган. Шу аснода, асосий манбалардан бири – бу албатта Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексида ўз аксини топган яъни “Ўзгалар мулкни талон-торож қилиш билан боғлиқ бўлмаган жиноятлар” бобида. Бу ўз навбатида “Иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар” деб аталган 171 – моддасини ўз ичига қамраб олади.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 171 – моддаси «Жиноий йўл билан топилган мулкни олиш ёки ўтказиш» деб номланган.

Ўзбекистон Республикаси ҳар бир қонунчилиги яъни жиноятни юридик таҳлил қилиш жиноят таркибини - жиноятнинг объектив ва субъектив белгиларини таҳлил қилишни билдиради. Жиноятнинг объекти ва объектив томонини қамраб олувчи тушунчалар - бу жиноятнинг объектив белгиларидир.

Жиноий йўл билан топилган мулкни олиш ёки ўтказиш жиноятининг бевосита объекти борасида кўпчилик амалдаги мутахассис ва олимлар ҳар хил фикрларни билдирмоқдалар. Мисол учун профессор М.Х.Рустамбоев мазкур масалада жиноятнинг объекти мулк ҳуқуқи ва бошқа мулкый ҳуқуқлар, шунингдек, жамиятда шаклланган ва қонунчиликда акс эттирилган мулкни тасарруф этиш бўйича муносабатлар ҳисобланади деб таъриф беради. [1.86]

Н.Н.Афанасевнинг фикрича ўрганилаётган жиноятнинг бевосита объекти фуқаролар ўртасидаги мулкни ўтказишни тартибга солувчи умумий қоидалар ва тартиблардир деб таърифлайди. [2.311]

Жиноятнинг бевосита объектига шундай таъриф берган: иқтисодиёт соҳасидаги мулкларнинг қонуний муомаласини тартибга солувчи ижтимоий муносабатлардир - деб А.Е.Милин фикрлайди. [3.43]

Жиноят таркибининг яна бир муҳим элементларидан бири – жиноятнинг предметиدير. Жиноятнинг предмети дейилганда асосан моддий (кўз билан кўриладиган, ўлчови, сифати ва ўзига хос белгиларига эга бўлган) нарсалардир.

Жиноят содир этиш натижасида қўлга киритилган мулк жиноий йўл билан топилган мулкни олиш ёки ўтказиш жиноятининг предмети ҳисобланади. Яъни, “жиноят қонуни билан тақиқиланган айбли ижтимоий хавфли қилмишни содир этиш натижасида шахс ихтиёрига ўтган, мулкчилик шаклидан қатъи назар, фуқаролик муомаласидан чиқарилмаган ёки чекланмаган ҳамда бундай мулкларнинг ноқонуний муомаласи учун жиноят қонунининг бошқа моддасида жавобгарлик белгиланмаган, давлат муассасалари ёки органлари ёхуд жисмоний ва юридик шахсларга тегишли бўлган мулклар” ушбу жиноятнинг предмети ҳисобланади.

Фуқаролик муомаласидан чиқарилган предметлар (ўқотар куроллар, гиёҳвандлик воситалари, уларнинг аналоглари) жиноятнинг предмети бўлиши мумкин эмас. Бундай қилмиш учун айбдор жиноят кодексининг бошқа моддалари билан жавобгарликка тортилади.

Шунингдек, жиноий йўл билан топилган маблағларга сотиб олинган мулклар ушбу жиноятнинг предмети сифатида тан олинishi мумкин эмас.

Жиноятнинг ташқи томонини ифодаловчи белги бу жиноятнинг объектив томони ҳисобланади.

Объектив томондан жиноят мулкнинг жиноий йўл билан топилганини била туриб, уни олдиндан ваъда қилмаган ҳолда олиш ёки ўтказишда ифодаланади.

Жиноий йўл билан топилган мулкни олиш деганда, мулкни жиноий йўл билан топган шахсдан ўша мулкни ўз эгалигига ва тасарруфига ўтказишга қаратилган ҳар қандай (ҳақ эвазига ёки бепул) битим тузилиши тушунилади. Жиноий йўл билан топилган мулкни била туриб олиш турли усулларда (арзон нарҳда сотиб олиш, бошқа буюмга айирбошлаш, ҳада тариқасида олиш, қарзга олиш ёки бериш ва ҳ.к.) амалга оширилиши мумкин. Жиноий йўл билан топилган мулкни олган шахс унинг мулкдори бўла олмайди.

Жиноий йўл билан топилган мулкни ўтказиш деганда, мазкур мулкни ўзининг шахсий мулки сифатида тасарруф этиш ҳуқуқини қўлга киритадиган учинчи шахсга ушбу мулкни пулли ёки бепул ўтказишнинг барча усуллари (сотиш, ҳада қилиш, киморда ютказиш, айирбошлаш ва ҳоказо) тушунилиши лозим.

Жиноят объектив томонининг зарурий белгиси мулкни жиноий йўл билан топган шахсга уни аввалдан сотиб олиш ёки ўтказишга ваъда берилмаган бўлишидир.

Олдиндан ваъда бермаслик деганда, жиноий йўл билан топилаётган мулкни келтириб чиқарувчи жиноятнинг тугаллангунга қадар ушбу жиноятни содир этаётган шахслар билан жиноий йўл билан топилган мулкни олаётган ёки ўтказиётган шахснинг уни олиш ёки ўтказиш юзасидан ваъда қилмаслиги тушунилади. [4.330]

Жиноий йўл билан топилган мулкни олдиндан ваъда бермаган ҳолда олиш ёки ўтказишда агар субъект бундай ҳаракатларни содир этишга, жиноят содир этиш йўли билан мулк топувчи шахсларга ваъда (розилик) бермаган бўлса, шунингдек, улар томонидан содир этилаётган жиноятлардан олдин ёки ўша вақтда ваъда бермаган (масалан, доимий равишда била туриб айнан бир шахслардан жиноий йўл билан топилган мулкларни олиш) ҳамда уларга унинг ёрдамига ишонишига имконият берадиган ҳаракат қилмаган ҳолатлар тушуниланади.

Агар айбдор жиноий йўл билан топилган мулкни олишни аввалдан, яъни талон-торож ёки бошқа жиноят содир этилишидан илгари ваъда қилган бўлса, айбдор шахс содир этган жиноятда иштирок этганлик учун жавобгарликка тортилиши керак. Шунингдек, шахс ўғирланган нарсаларни мунтазам равишда сотиб олган ва ўғрини жиноий йўл билан топилган ҳар қандай мулкни олишга ишонтирган бўлса, бундай шахс ўзганинг мулкни талон-торож қилишнинг иштирокчиси деб ҳисобланади.

Жиноят жиноий йўл билан топилган мулк олинган ёки ўтказилган пайтдан бошлаб, қандайдир оқибатлар юзага келишидан қатъи назар, тугалланган деб ҳисобланади.

Жиноятнинг субъектив томонини аниқ белгилаш жиноятни тўғри квалификация қилиш ва адолатли, шахснинг айби даражасини ҳисобга олган ҳолда жазо тайинлашнинг зарурий шартидир. Ўзбекистон Республикаси жиноят қонунчилигининг муҳим хусусиятларидан бири субъектнинг ақли расолиги, яъни айбдорнинг ўз ҳаракатини бошқара олганлиги ва ҳаракати туфайли келиб чиққан оқибатнинг ижтимоий хавфлилигини англаши ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 20-моддасига мувофиқ ижтимоий хавфли қилмишни

қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида содир этган шахс жиноят содир этилишида айбдор деб топилиши мумкин, яъни субъектив ақли расолик шуни англатадики, шахс факат қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасидан содир этилган қилмиши учун айбдор бўлгандагина жиноий жавобгарликка тортилади.

Жиноят субъектив томондан тўғри қасд билан содир этилади. Шахс жиноий йўл билан топилган мулкни олаётганлигини ёки ўтказаётганлигини аниқ билади ва бундай ҳаракатлар содир этилишини хоҳлайди. Шу билан бирга мазкур мулк айнан қайси жиноий йўл билан, яъни ўғирлик, товламачилик, талончилик ва ҳ.к. натижасида топилганлигини аниқлаш зарур эмас. Агар мулк айнан қайси жиноий йўл билан топилганлигини шахс билганлиги аниқланадиган бўлса, унда унинг ҳаракатлари жиноятлар мажмуи бўйича ЖКнинг 171-моддаси ҳамда ишнинг аниқ ҳолатларига қараб ЖКнинг 241-моддаси (Жиноят ҳақида хабар бермаслик ёки уни яшириш) билан квалификация қилиниши лозим.

Субъектив томоннинг факультатив белгиларидан бири бу мотив ва мақсад ҳисобланади. Инсоннинг ҳар бир ҳаракатини тўғри баҳолаш учун, энг аввало, унинг мотиви ва мақсади аниқланади. Шу жумладан, қилмишни жиноий деб ҳисоблаш учун шахс қилмишининг мотиви ва мақсадини аниқлаш керак.

Мотив шахснинг талаб ва эҳтиёжларини қондириш учун унда мойиллик пайдо қилувчи, инсон руҳияти билан боғлиқ тушунча бўлиб, у мақсад билан бевосита алоқадор ҳисобланади. Чунки мотив натижасида юзага келган мойиллик асосида мақсад шаклланади.

Бундан ташқари, жиноят ҳукуқи назариясига кўра ҳар қандай ижтимоий хавфли қилмиш содир қилган, қонунда белгиланган ёшга етган ва ақли расо жисмоний шахслар жиноятнинг субъекти бўлади. Жиноят субъекти жиноят таркибининг зарурий элементиدير, яъни жиноят содир қилган шахс бўлмаса, ўз-ўзидан жиноят ҳам бўлмайди. Жиноят қонунига мувофиқ жиноят субъекти фақат жисмоний шахс бўла олади ва Жиноят кодексининг 17-моддасида ёзилишича: “Жиноят содир этгунга қадар ўн олти ёшга тулган ақли расо жисмоний шахслар жавобгарликка тортиладилар”. Юридик шахс (ташкilot, муассада, корхона ва хоказо) лар жиноятнинг субъекти бўла олмайди.

Жиноий йўл билан топилган мулкни олиш ёки ўтказиш учун жавобгарлик жиноятини махсус субъектининг қўшимча белгилари – ушбу жиноятни жавобгарликни оғирлаштирувчи ва алоҳида оғирлаштирувчи таркибини ташкил қилувчи белгилари бўлиб, қуйидагича квалификация қилишда намоён бўлади:

- такроран ёки хавфли рецидивист томони содир этилганлиги 171-модда 2-қисм “а” банди;
- ўта хавфли рецидивист томондан 171-модда 3-қисм “б” банди ва уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб 171-модда 3-қисм “в” банди.

Жиноий жавобгарлик ҳукукий жавобгарликнинг бир тури бўлиб, жиноят ҳукуқнинг асосий тушунчаларидан бири ҳисобланади. Бизга маълумки “жиноий

жавобгарлик” атамаси юридик адабиётларда турлича. Асосий жиноий жавобгарлик; жиноий жавобгарликка тортиш; жиноий жавобгарликдан озод қилиш деб талқин қилинади. Давлатнинг мажбурлов чораси ҳисобланган жиноий жавобгарликка тортишдан кўзланган асосий мақсад, ижтимоий муносабатларга путур етказмаслик ва ҳуқуқбузарликларнинг олдини олишдан иборатдир. Жиноий жавобгарлик жиноят ҳуқуқи нормалари билан кўрикланадиган ижтимоий муносабаларга жиддий зарар етказадиган ёки шундай зарар етказиши мумкин бўлган тажовуз қилингандагина вужудга келади. Шундай экан, жиноий жавобгарлик ўз навбатида қандайдир ҳуқуқий оқибатни вужудга келтиради.

Жиноий жавобгарлик эса жиноят ҳуқуқий муносабатдир. Аммо жиноят ҳуқуқий муносабатнинг келиб чиқиши учун бирон-бир юридик факт содир этилиши талаб қилинади ва бундай юридик факт жиноятнинг содир этилиши ҳисобланади. Жиноий жавобгарлик ҳуқуқий жавобгарликнинг бир кўриниши бўлиб, у жиноят қонунида белгилаб қўйилган ва суд томонидан жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан жавобгарликни қўллашдан иборатдир. Шунга мувофиқ равишда жиноий жавобгарлик жавобгарликнинг бошқа турлари (ахлоқий, фуқаровий, маъмурий ва ҳ.к.)дан энг аввало ўзининг мазмуни жиҳатидан фарқ қилади. ЎЗР Жиноят кодекси 16-моддасида жиноий жавобгарлик тушунчаси берилган:

Жиноий жавобгарлик деганда, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан суд томонидан ҳукм қилиш, жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланишида ифодаланадиган жиноят содир этишнинг ҳуқуқий оқибати тушунилади.

Жиноят кодексига биноан жиноий қилмишни содир қилсагина суд фақат жиноят қонуни нормаларини қўллаб шахсга нисбатан жиноий жазо тайинлайди.

Ҳозирги кунда жиноятчиликнинг олдини олиш, унга қарши курашиш самарадорлиги жазонинг оғирлиги ва шафқатсизлигига эмас, балки биринчи навбатда, қонунни бузган шахснинг жазонинг муқаррарлигини нечоғли англашига боғлиқ. Жазонинг муқаррарлиги жиноятчиликнинг олдини олишда самарали таъсир кўрсатувчи омиллардан ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Суди Пленуми 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 3-бандида “Жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши – ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларига мувофиқ бўлиши керак” деган маъно мазмун ёритилган. [5.126]

Жиноят кодексининг 54-моддасининг 1-қисмида судга қонун томонидан у ёки бу турдаги жазо чорасини ва унинг ҳажмини белгилаш доираси аниқ тарзда кўрсатилган, яъни суд Жиноят кодексининг “Махсус” қисмининг жиноят содир этганлик учун жавобгарлик назарда тутилган моддада белгиланган доирада жазо тайинлайди деб белгиланган.

Жазо тайинлашда суд томонидан эътиборга олинадиган ҳолатлардан биринчиси содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражаси ҳисобланади. Ижтимоий хавфлилик даражасига кўра жиноий йўл билан топилган мулкни олиш ёки ўтказиш учун жавобгарлик белгиланган Жиноят кодексининг 171-моддасининг асосий таркиби ижтимоий хавфи катта бўлмаган жиноят, Жиноят кодексининг 171-моддаси 2-қисми ва 3-қисмларида эса жавобгарлик белгиланган қилмиш унча оғир бўлмаган жиноят саналади.

Суд жазо тайинлашда ҳар бир жиноятнинг сабабини аниқлаши шарт. Чунки, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 54-моддасида жазо тайинлашда эътиборга олинаши шарт бўлган ҳолатлардан бири сифатида жиноят содир қилишнинг сабаби кўрсатилган. Шундан келиб чиққан ҳолда судлар жиноий йўл билан топилган мулкни олиш ёки ўтказиш жиноят учун жазо тайинлашда ушбу жиноятни содир этиш сабабларини эътиборга олишлари лозим.

Мазкур жиноятни содир этишда айбли деб топилган шахсларга нисбатан жазо тайинлаш амалиётида судлар томонидан нормал фаолият олиб борилмоқда. Жазо тайинлаш вақтида ишни барча ҳолатларини инобатга олинмоқда. Баъзи ўринларда йўл қуйилаётган камчиликлар ҳам мавжуд. Лекин ушбу камчиликларни бартараф этиш учун Олий суд Пленуми томонидан тушунтириш берилмаганлиги инобатга олиш лозим. Бу каби камчиликларни бартараф этиш мақсадида ушбу жиноят юзасидан Олий суд Пленуми қарори қабул қилинишини таклиф этамиз.

Хулоса қилиб айтганда, Жиноят кодексининг ҳар бир моддаси чуқур ўрганилиб, бўлажак соҳа вакилларининг онгига сингдириб борилиб, тегишли моддаларнинг амалга ошириш йўллари ишлаб чиқиши ва уни ҳаётга татбиқ этилиши, мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислохотларни мустаҳкамлашга, қонун устуворлигини таъминлашга ва энг асосийси халқимизнинг, ҳар бир фуқаронинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Рустамбоев М.Ҳ. Ўзбекистон Республикаси Жиноят ҳуқуқи курси. 4-том. Маҳсус қисм. Иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар. Экология соҳасидаги жиноятлар. Ҳокимият, бошқарув ва жамоат бирлашмалари тартибига қарши жиноятлар. Олий таълим муассасалари учун дарслик.- Т.: “ТДҮОИ” нашриёти , 2009. Б 86.
2. Уголовное право. Часть Особенная: Учебник / Под ред. Н.И. Ветрова, Ю.И. Ляпунова.М., 2005. - С. 311.
3. Милин А.Е. Уголовная ответственность за приобретение или сбыт имущества, заведомо добытого преступным путем. Автореф дисс.... канд. юрид. на. - М. 2004. - С.43.

4. Жиноят ҳуқуқи. Махсус қисм: Дарслик / Р. Кабулов, А. Отажонов ва бошқ. Масъул муҳаррир Ш.Т. Икромов. - Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2014. - Б. 330.

5. Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 й. 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарори // Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленуми қарорлари тўплами.: Т – “Адолат” нашриёти 2006. Тўплам .2 . - Б. 126.

6. Жиноят ҳуқуқи. Умумий қисм: Дарслик / А.С.Якубов, Р.Кабулов ва бошқ. - Тошкент, Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2009.